

Германиялик мутахассис ташрифи



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларнинг ташкил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4035-сонли қарори ижроси юзасидан Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти дунёнинг бир қатор ривожланган давлатларининг нуфузли университет ва ташкилотлари билан алоқалар ўрнатмоқда.

Яқинда Германиянинг SES (Senior Expert Service) ташкилоти билан ҳамкорликда институтга "Йўл қурилиши технологияси ва йўл қопламаларини соз ҳолда сақлаш" йўналиши бўйича халқаро етакчи мутахассис Эрвин Фляйшер ташриф буюрди.



Жаноб Фляйшер Германиянинг йўл қурилиш ва транспорт тадқиқот жамияти бошқарув аъзоси сифатида бир қатор ерусти ва ерусти қурилиш компанияларида инфратузилмалар бўйича эксперт-консултант ва бошқарувчи менежер сифатида фаолият олиб борган.

Германиялик меҳмон институт профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари учун "Германиянинг йўл қурилишдаги тажрибаси: Ўзбекистон учун хулоса ва имкониятлар"

мавзусида маъруза қилди.



Шунингдек, Э.Фляйшер ўз сафари давомида Ўзбекистон автомобиль йўллари билан бевосита танишди.

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

матбуот хизмати